

3.1-шакл

ТАЛАБГОР ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШГА ТОПШИРАДИГАН ХУЖЖАТЛАР РҮЙХАТИ

1. Диссертация бажарилган ташкилотнинг илмий кенгашга диссертацияни ҳимояга кабул килиш ҳақидаги мурожаатномаси.
2. Талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотнома (3.5-шакл) (2 нусха).
3. Талабгорнинг олий таълим муассасасини битирганлиги ҳақидаги дипломи нусхаси (2 нусха).
4. Талабгорнинг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб боришга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовларидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома (3.2-шакл) ёки фан номзоди, хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари дипломи нусхаси (2 нусха).
5. Малакавий имтиҳонларни топширганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (3.3-шакл) (2 нусха).
6. Диссертация мавзуси ва илмий маслаҳатчи тасдиқланганлиги тўғрисидаги олий таълим муассасаси кенгаши ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий (илмий-техникавий) кенгаши ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорларидан кўчирмалар.
7. Диссертация бажарилган ташкилотнинг хуносаси, унда диссертация ишининг мавзуси қаерда ва қачон тасдиқланганлиги ва «ОАК Бюллетени» журналининг қайси сонида қачон эълон қилинганлиги кўрсатилиши лозим.

Хулоса илмий семинар (кафедра, лаборатория, сектор ёки бўлимнинг кенгайтирилган мажлиси) баённомасидан батафсил кўчирма шаклида расмийлаштирилади, семинар раиси ва илмий котиби томонидан имзоланади хамда ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланиб, ташкилотнинг гербли муҳри қўйилади.

8. Диссертация муҳокама қилинган ташкилотларнинг хуносалари. Уибу хуносалар илмий семинар (кафедра, лаборатория, сектор ёки бўлимнинг

кенгайтирилган мажслиси) баённомасидан батарфсил кўчирма шаклида расмийлаштирилади, семинар раиси ва илмий котиби томонидан имзоланади ҳамда ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланниб, ташкилотнинг гербли муҳри куйилади.

9. Илмий ишларнинг талабгор томонидан имзоланиб, иш бажарилган ташкилот томонидан тасдиқланган рўйхати (3.4-шакл). Рўйхат уч бўлимдан иборат бўлиши керак:

- монографиялар ва илмий журналларда эълон қилинган мақолалар;
- интеллектуал мулк обьектларига бўлган муҳофаза (эгалик) ҳужжатлари (агар мавжуд булса);
- илмий тўпламларда эълон қилинган мақолалар, тезислар, препринтлар ва ҳоказолар.

Талабгорнинг асосий илмий ишлари нусхалари илова қилинади.

10. Талабгорнинг илмий маслаҳатчисининг тақризи. *Илмий маслаҳатчи иккита бўлган тақдирда, илмий кенгашинг қароридан кўчирма ва ОАК руҳсатномаси.*

11. Ҳаммуаллифликдаги илмий ишларини диссертацияга тўла ёки қисман киритиш учун талабгор ҳаммуаллифларининг ёзма розилиги.

12. ОАКга, кенгаш тузилган ташкилот кутубхонасига, расмий оппонентларга ва етакчи ташкилотга юбориш учун зарур микдордаги нусхаларда диссертация ва диссертация автореферати. *Диссертациянинг барча нусхалари титул варагларига ва авторефератнинг муқовасига талабгор имзо чекади.*

Зарур булган ҳолларда "Хизматда фойдаланиш учун" грифи берилган диссертациялар учун ташкилотнинг диссертацияга ушбу грифни бериш бўйича асосланган холосаси тақдим этилади (2 нусха).

Изоҳ:

Ушбу рўйхатдаги 7-8-банларда келтирилган ҳужжатларда кўрсатилган саналар ташкилотнинг кенгашига муроҷсаати санасидан бир йилдан ошмаслиги керак.

3.4-шакл

НИНГ

*фамилияси, исми, отасининг исми***ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ**

T/r	Илмий ишнинг номи	Босма ёки кўлёзма	Журнал, тўплам (йил, номер, бетлари), нашриёт ёки муаллифлик гувоҳномаси номери	Босма табоқ ёки бетлар сони, муаллифлик иштироқи	Ҳаммуал-лифларнинг фамилиялари, исмлари, оталарининг исмлари

Талабгор

фамилияси, исми, отасининг исми

Илмий котиб

фамилияси, исми, отасининг исми

20__ йил “___”

Гербли мухр

3.4-шакл

НИНГ

*фамилияси, исми, отасининг исми***ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ**

T/r	Илмий ишнинг номи	Босма ёки кўлёзма	Журнал, тўплам (йил, номер, бетлари), нашриёт ёки муаллифлик гувоҳномаси номери	Босма табоқ ёки бетлар сони, муаллифлик иштироқи	Ҳаммуал-лифларнинг фамилиялари, исмлари, оталарининг исмлари

Талабгор

фамилияси, исми, отасининг исми

Илмий котиб

фамилияси, исми, отасининг исми

20__ йил “___”

Гербли мухр